



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (12.196)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари ва ходимлари меҳнати уларнинг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича ижтимоий аҳамиятли ишларни амалга оширишга, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга қўшган ҳиссасини эътиборга олган ҳолда янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматчиларининг меҳнати рағбатлантириш тўғрисида» 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонининг меҳнат ҳақи бўйича Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ рағбатлантириш коэффициенти сифатида маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилишини назарда тутувчи 1-банднинг амал қилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозимларига ҳамда «Маҳалла посбони» раҳбарларига нисбатан жорий этилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун 12 фоиз миқдорда ойлик устама ҳақ ўрнатилсин.

3. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб таркибда маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг лавозим маошлари меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткаси бўйича бир разряд оширилсин.

4. Ушбу Фармонда кўзда тутилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнати рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 июль

## Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

### УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР – БОШ МЕЗОН

Кун кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йиғирма биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси ва 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар, олиб борилаётган кенг қамровли ишларни иккинчи ярим йилликда янада чуқурлаштириш вазифалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Унда туман ҳокимликлари, бош бошқарма, бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, муҳим мақсадли комплекс дастурлар, жумладан «Мустаҳкам оила йили» ҳудудий дастури ижросини таъминлаш бўйича эътиборли ишлар олиб борилаётгани қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мониторинг гуруҳининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг Тошкент шаҳрида бажарилишини ўрганиш бўйича маълумотномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча бош бошқарма, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда туман ҳокимликларининг бир ҳафта муддатда тегишли аниқ чора-тадбирлар белгилаб, уни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Туман ҳудудий дастурларини, фуқаролар йиғинлари, айрим бўлимлар дастурларини мавжуд имкониятлардан келиб чиқ-

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганига 21 йил тўлмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонимиз иқтисодиётимизнинг кўрсаткичи билан Юртбошимиз раҳнамолигида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда улкан ютуқларга эришилди, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

## ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча кўчаларида байрамни муносиб гуштаб олиш учун қизгин тараддуд кетмоқда. Кун кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йиғирма бир йиллик байрамига бағишланган ёшлар фестивали ташкил этилди.

Анжумани ўтказишдан кўзланган мақсад пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолини мустақиллик байрами билан қутлаш, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан

хабардор этиш орқали маънавий дунёқарашларини кенгайтириш, ёш авлодга кўрсатилган ёшларнинг ёрқин ифодадан иборатдир.

Карнай-сурнай садолари билан бошланган шодиёна байрам тадбирига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, отахон ва онахонлар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари, маданият ва спорт бўлимлари, ҳамда адабиёт, санъат, фан ва маданият намоёндалари, пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилувчи иқтидорли ва изланувчан ёшлар, ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг

битирувчи ёшлари ташриф буюриши.

Фестиваль очилишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Сенат аъзоси Фарид Абдураҳимов, Чилонзор туман ҳокими Фани Исмаилходжаев ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Отабек Маҳаммадов сўзга чиқиб, йиғилганларни яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг йиғирма бир йиллик қутлуғ тўйи билан муборакбод этиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар, ютуқлар, янгиланишлар ҳақида фикр юритишди.

(Давоми 3-бетда)

қан ҳолда ҳудудларга мослаштириш лозимлиги белгиланди.

«Мустаҳкам оила йили» ҳудудий дастури чора-тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида туманларга бириктирилган шаҳар комиссияси аъзолари ҳар ойда бир мартаба ўзларига бириктирилган туманларга чиқиб, шаҳар ҳудудий дастурининг бажарилишини ўрганиш, мавжуд ва юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, зарур ҳолларда, ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан Тошкент шаҳар комиссиясига тақлифлар берилиши масаласига тўхталиб ўтилди.

Шу билан бир қаторда Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ва тарғиб этиш, давлат ва ҳўжалик ишлари бошқаруви органлари, туман ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни бажаришлари бўйича масъулиятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари сессияда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, шаҳар «Оила» маркази ва унинг туман бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги «Яраштириш комиссиялари» фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва бу борадаги ишларни етарли даражада ташкил этиш чоралари кўрилди.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Яшил чирок» кўриктанловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари баҳс олиб борди.

● Ховос туманида тошни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди. «Сирдарё сааноат индустриал» масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳаётга татбиқ этилган мазкур лойиҳа банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди. Ўрнатилган янги технологиялар йилига 10 минг куб метргача майдаланган тош ҳамда 9 минг куб метрдан ортиқ қизил кум тайёрлаш имкониятини беради.

● Кармана туманидаги касб-хунар коллежида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 112 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 232 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир якунида 92 нафар коллеж битирувчиси доимий иш жойига эга бўлди.

● Тошкентда «Ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, сенаторлар, ишбилармон доиралар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, шуниингдек, халқаро экспертлар қатнашди.

● Каттакўрғон шаҳридаги қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Шамсиддин Бибиҳоним» хусусий корхонасида қуолитирилган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада корхонада меҳнат қилаётганлар сони 29 нафарга етди.

## ЖАҲОНДА

● Халқаро ҳаво транспорти ассоциациясининг маълум қилишича, жорий йилнинг биринчи чорак аяқунлари бўйича жаҳондаги барча авиакомпаниялар жиддий зарар кўрган. Яъни дунёдаги энг йирик 55 та авиакомпаниянинг январь-март ойларидаги зарари 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Бунга биринчи навбатда йил бошида нефть нархининг ҳаддан зиёд кўтарилгани сабаб бўлган.

● Мексика ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари мамлакатнинг АҚШ билан чегарадош ҳудудидан гиёҳвандлик моддалари олиб ўтиладиган яширин йўлни аниқлашди. Ушбу ер ости йўли Мексиканинг Сан-Луис-Рио-Коларадо шаҳри билан АҚШнинг Аризона штатини боғлаб турган. У 20 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, узунлиги 230 метрга тенг.

● Италиялик санъатшунослар Сфорция қасри ҳудудидан таниқли мусаввир Караваджо ижодига мансуб 100 га яқин расмни топишди. Маълумотларга кўра, бу асарларни Караваджо 1584-1588 йилларда Миланда расмолликни ўрганаётган даврда яратган. Мутахассислар топилмаларнинг умумий қиймати 700 миллион АҚШ долларига тенг эканлигини айтишмоқда.

● Теннис бўйича «Катта дубулға» туркумига кирувчи «Уимблдон» мусобақаси финалида Энди Маррейни мағлуб этган швейцариялик Рожер Федерер машҳур Пит Сампрасдан кейин турнирнинг етти карра голиби бўлди ҳамда жаҳон теннис таснифида биринчи ўринга чиқиб олди. Бу Федерернинг «Катта дубулға» туркумидаги 17-бош соврини бўлди.

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар миқёсида 100 га яқин тадбирлар, жумладан мазгува оид конференция ва семинарлар, «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликдаги давра сўхбатлари, аҳолининг кенг қатлами ва ёшларни қамраб олган ҳолда «Спорт – гўзаллик рамзи», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» шиори остида спорт муСОбақалари ташкил этилди.

Шунингдек, сессияда биринчи ярим йилликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари таҳлил қилиниб, юқори ва барқарор суръатларни сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланди.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллик яқунларига кўра, ялли худудий махсулотнинг қарийб 13,1 фоизга ўсиши кутилмоқда. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида саноат махсулотлари ишлаб чиқаришнинг 17,2 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари ҳажмининг 10,0 фоизга, чакана савдо айланмасининг 6,4 фоизга ва умумий хизматлар ҳажмининг 14,5 фоизга ўсаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Амалга оширилаётган ишларнинг самараси сифатида қайд этиш мумкин, савдо айланмасида махсулот ва хизматлар экспорти ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 31,4 фоизга ошиши кутилмоқда.

Худудий тасарруфдаги корхоналар экспортида ҳам ижобий силжишлар кузатилиб, ҳисобот даврида худудий корхоналар томонидан махсулотлар экспорт қилинишининг прогноз кўрсаткичи 100,1 фоизга бажарилиб, ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришиш кутилмоқда.

Ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бу борада Маҳаллийлаштириш дастурига 139 та худудий тасарруфдаги саноат корхоналари 326 та лойиҳалар билан жалб қилинган таъкидлаб ўтилди.

Шаҳарда иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этиб, ҳисобот даврида жами 126 та, шундан 68 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 34 та чакана савдо ва 18 та умумий овуқланиш шохобчалари ташкил этилиб, чора-тадбирлар доирасида белгиланган режа 1,9 баробар ортиги билан бажарилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича ишлар давом эттирилганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратилганлиги натижасида кичик бизнес субъектлари томонидан саноат махсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 24,0 фоизга ўсиши таъминланиб, уларнинг ялли худудий махсулотдаги улуши 56 фоизга тўғри келиши кутилмоқда.

Ҳисобот даврида асосий эътибор аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилиб, қўллаб-қувватлашга кўра, барча манбалар ҳисобига 40,6 мингдан зиёд янги иш жойлари яратилди ва бу борада белгиланган мақсадли кўрсаткич 110,5 фоизга бажарилди.

Маълумки, ўтган йили Тошкент шаҳрида меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолининг бандлигини таъминлашнинг янада жадаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Маҳалларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиш қабул қилинган эди. Ушбу фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат билан банд бўлмаган 21843 нафар маҳалла фуқаролари доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари коммунал хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Худудларни кўчаларга таъминлаш мақсадида 355,6 минг донга игна баргли ва бошқа турдаги дарахлар, 2,5 млн. донга яқин гул кўчатлари экилди.

Шаҳар худудидида жойлашган қаровсиз, эгасиз ва муҳандислик тармоқлари ўтган ерлардан унумли фойдаланиш ва маҳаллардаги ёшларни спортга жалб этиш мақсадида 41 та спорт майдончалари (мини футбол) қуриб битказилди, шу билан бирга

162 та спорт майдончаларини қуриш учун ер майдонлари аниқланиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришнинг таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш, саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳисобига шаҳар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ишларини қатъий назоратга олиш масалалари ат-

тириш, саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий махсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини изчил давом эттириш, бу борада чет эл сармояларини иқтисодиётга кенг жалб қилиш, корхоналарда янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳолининг доимий иш билан банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш ҳамда касаначиликни кенг ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Сессия кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 15 майдаги «Ўзе-

булар ўтказган, 220 дан зиёд фуқаролар қабул қилиниб, сайловчиларнинг муносабатлари ва бошқа масалалар юзасидан 152 та депутатлик сўровлари юборилган.

Шунингдек, сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Дилшод Шоумаров ҳамда Елена Борисоваларнинг ахборотлари тингланди.

Сессияда депутатларнинг ўз округидаги маҳаллаларда сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларни кўлайитириш, бунда аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди.

Сайлов округидаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини янада ривожлантириш, жойларда Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарорларининг бажарилишини ўрганиш ва таҳлил қилишни йўлга қўйиш белгиланди.

Бундан ташқари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларга юборилган депутат сўрови бўйича назоратни кучайтириш, жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, худудий ва давлат дастурларини ижро этиш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар устидан депутатлик назорати самарадорлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, кейинги йилларда мустақиллик шарофати билан Тошкент шаҳрининг кифёсати тубдан ўзгариб бормоқда. Замон талабларига мос қатор турар жой бинолари, маъмурий ва маданий-маиший иншоотлар, янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, дам олиш масканлари ҳамда тиббий-профилактика муассасалари бунёд этилди. Пойтахтимизнинг янада гўзал, ораста, кўкаламзор ва мафтункор бўлиши йўлида ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Озодалик ва тартибни сақлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини янада яхшилаш, ҳар бир бино, иншоот ва уй-жойларни талаб даражасида сақлаш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир.

Ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда сессияда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 14 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори тасдиқланди.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юкланди.

Бундан ташқари сессияда «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва худудларда тозаликни сақлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала ҳам қўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан Кенгашининг алоҳида қарори қабул қилиниб, «Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш, ташлаш ва ташкилий равишда олиб чиқиш кетиш бўйича қоидалар» тасдиқланди.

Мазкур қоида Тошкент шаҳрида маиший чиқиндиларни йиғиш, ажратиш ва ташкилий равишда олиб чиқиш кетиш, шаҳарни ободонлаштириш, унинг озодаллигини сақлаш ҳамда шаҳар экологияси ва санитария-эпидемиологик муҳитни яхшилашга қаратилган механизмларни тартибга солиди.

Шубҳасиз, ушбу қоида мулкчилик шаклидан қатъий назорат Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча корхоналар, ташкилотлар, идоралар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари, хонадон эгалари, фуқаролар ҳамда шаҳар меҳмонлари учун дастуруламал вазифасини ўтайди. Сессияда ушбу қоида аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағлар бўйича қабул қилинган фармойишларини, Ер ажратиш ва ажратилган ер бўлақларини бекор қилиш тўғрисида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ваколати доирасидаги ташкилий масалалар қўриб чиқилди ҳамда Кенгашининг навабдаги сессиясини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди.

**Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ**



**УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР — БОШ МЕЗОН**



рофлича қуриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришнинг таъминлаш, бунда ижтимоий соҳа объектларининг янгидан қурилиши, капитал реконструкция қилиниши ва таъмирланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, шаҳар кифёсатини ўзгариштириш, кўча ва хиёбонларни, аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш бўйича қўрилаётган чораларнинг қандай натижа бераётганлигини қатъий назоратга олиш таъкидлаб ўтилди.

Сессия кун тартибидида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Олмасор тумани ҳокими Обиджон Зайнитдинов ва Сергели тумани ҳокими Отабек Содиковларнинг ҳисоботлари тингланди.

Туман ҳокимларининг ҳисоботлари юзасидан иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясининг бажарилиши фаоллар йиғилишида танқидий муҳокама этилиб, ислохотлар жараёнига тўқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Бунда асосий эътибор ҳар бир корхона билан бевосита ишлаб, уларнинг муаммоларини атрофлича ўрганиш ҳамда унинг ечимини ижобий ҳал этишга қаратилди.

Шунингдек, туман худудларида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатини ошириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп махсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари иқтисодий ночор, кам қувватда ишлаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни ўрганиш, ушбу объектлар қувватларидан самарали фойдаланиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, уларга салоҳиятли инвесторларни жалб этиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни юз фоизга етказиш зарурлиги белгиланган бўлди.

Шу билан бир қаторда маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаш-

тириш, саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий махсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини изчил давом эттириш, бу борада чет эл сармояларини иқтисодиётга кенг жалб қилиш, корхоналарда янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳолининг доимий иш билан банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш ҳамда касаначиликни кенг ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Сессияда ушбу янги ўзгаришлар Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва туман ҳокимликлари томонидан солиқ тўловчилар эътиборига етказилиши ва амалиётда қўлланишини белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида комиссия раиси Турабек Назаровнинг ҳисоботи тингланди.

Айтиш жоизки, комиссия ўз иш фаолиятини тасдиқланган режа асосида олиб борди.

Бу ўринда маҳаллий солиқ ва йиғимлар ставкаларини тасдиқлаш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, инкирозга қарши чоралар туман ҳокимликлари томонидан сўзсиз бажарилиши, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг ижроси ва доимий комиссия ваколатига тегишли бошқа масалаларни айтиш мумкин.

Бундан ташқари комиссия йиғилишларида режага асосан бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан қай тарзда оқилона фойдаланилаётганлиги, Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг дастури ижросига оид бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилган.

Шунингдек, доимий комиссия аъзолари ўз округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борган.

Жумладан, комиссия аъзолари ҳисобот даврида ўз округларида сайловчилар билан 150 дан ортқ учра-

**Таълим**

**ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛанилМОҚДА**

**Электрон дарсликларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнида кенг фойдаланиш таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис улар амалиётда оммавий равишда қўлланила бошланди. Турли хил электрон ўқув нашрлари яратилиб, улар ўз ичига оддий гиперматридан тортиб, масофавий ўқитишнинг яхлит тизимларигача қамраб олмоқда.**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув марказидан маълум қилишларича, ҳозирда электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари, виртуал стендлар, автоматлаштирилган тест тизимлари, веб-сайтлари каби дастурий махсулотларни замонавий педагогик технологияларга кенг қўламда жорий этиш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Келинг, фикримизни Тошкент Давлат иқтисодий университети мисолида давом эттирайлик. Мазкур олий ўқув юртида биринчи галда электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари, виртуал стендлар ишлаб чиқиш учун мўлжалланган марказ барпо этилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди.

Иқтидорли талабалар томонидан «Иқтисодий информатика» электрон дарслиги, «Е-тест» автоматлаштирилган тест тизими, «Ахборот тизимлари ва технологияларига кириш» электрон ўқув қўлланмаси, веб-сайтлари йўлга қўйилди. «Компьютер тармоқлари», «Шахсий компьютер архитектураси», «Ички ёнув двигателнинг ишлаш тартиби» сингари виртуал стендлар юзага келди. Айни вақтда электрон дарсликларни яратишнинг ягона андозаси ва дастурий воситалари ҳам амалга оширилмоқда. Бу эса яратилаётган турли электрон дарсликларнинг баҳолаш мезонларини белгилаб олиш, электрон ўқув адабиётларининг машғулоти сифатини кўтаришга самарали таъсирини ошираётган.

Бинобарин, талабаларнинг ахборот-технологияларини қўллаш асосида ўқитиш истиқболли таълим жараёнига айланиши турган гап.

**Тиббиёт**

**Янги диагностика воситалари**

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Ушбу жараёнда қатор қўшма дастурлар ҳам юзага келмоқда. Халқаро МАГАТЭ ташкилоти ёрдамида йўлга қўйилган лойиҳа ҳам ўз самарасини берди.**

Академик В.Вохидов номидидаги хирургия маркази ҳамда республика иختисослаштирилган эндокринология маркази замонавий диагностика аппаратлари билан жиҳозланди. Бошқа яна бир аппарат ёрдамида қалқонсимон без, жигар, юрак, мия каби киши аъзоларида кечаётган жараёнлар тез ва сифатли аниқланмоқда.

**ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ УСКУНАЛАР ТОПШИРИЛДИ**

**Фаол шифокорларни тақдирлаш учун «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» каби мукофотлар таъсис этилган. Эндиликда «Энг яхши оилавий поликлиника» мукофоти ҳам қатор жамоалар сазовор бўлишмоқда.**

Мирзо Улуғбек туманидаги 9-сон оилавий поликлиника ҳам бундай фахрли ном эгаси деб топилди. Шу муносабат билан голиб шифоконга энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар совға қилинди.

**ЭНГ САМАРАЛИ МУОЛАЖА**

**Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникаси пластик хирургия бўлими шифокорлари томонидан олиб борилётган жарроҳлик амалиёти республикамиз бўйича энг самарали муолажа деб баҳоланди.**

Гап шундаки, бу ерда ўтказилган навабдаги мураккаб амалиётда бўлимнинг 5 нафар хирург, 2 нафар педиатори ва 10 нафар ҳамшираси қатнашиб, бой тажрибаларини ишга соддиқлар. Уша кунни бемор болалардан 15 нафари оғир дарддан халос бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН



(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан сўнг элимиз ардоғидаги таниқли санъаткорлар, болалар гуруҳлари, ўзбек эстрадаси хонандалари, «Нихол», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловлари ғолиблари ихросида истиқлолимизни мадҳ этувчи дилбар куй-қўшиқлар янгради. Шу билан бирга шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорлари, «Кувноқлар даврасида» кўрик-танлови ғолиблари томонидан ижодий чиқишлар йиғилганларга манзур бўлди.

Фестиваль доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўндан ортиқ ранг-баранг тadbирлар ташкил этилди. Ўзига хос бу тadbирлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, «21 йил: Эзгулик, бахт ва орзулар оғушида» дея номланган тadbирда ўзбек эстрада хонандалари ҳаётиндан тайёрланган фото кўргазма намойиш этилди. «Соғлом миллат барча буюқ ишларга қодир бўлади» мавзусидаги иккинчи йўналишда «Турон» яккакураши, «Ўзбек жанг санъати» тўга-

раги аъзолари томонидан маҳорат чиқишлари ҳамда шахмат-шашка, дартс, тош кўтариш, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар, «Келажак буюқ юртингиз ёшларимиз!» шиори остида академик лицей ва касб-хунар коллежлари иқтидорли ёшларининг ижодий кўргазмиси ҳамда тadbир иштирокчилари учун маҳорат машғуллари ташкил қилинди. «Аждодларга муносиб авлод!» шиори остида амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги, нақшошлик, заргарлик, мисгарлик турлари бўйича иқтидорли ёшлар томонидан яратилган ишларнинг кўргазмиси ҳамда маҳорат дарслари ўтказилди. «Мустақиллик тақдирим – Ватаним онам!» мавзусида ёш ижодкор, расмолар кўргазмалари намойиш этилиб, 30 дан ортиқ иқтидорли ёшлар тadbир доирасида юртимизда мустақиллик йилларида қурилиб, фойдаланишга топширилган бино ва иншоотларни ўз расмларида тасвирлашди. Бундан ташқари Ҳаракатнинг Олмасор, Мирзо Улугбек, Учтепа, Ҳамза, Юнусобод тумани Кенгашилари қoшидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари марказ»ларининг ижодий кўргазмаси ташкил этилиб, марказ ўқувчилари томонидан тикувчилик, расм, тўқиш, бисер, пазандачилик йўналишларида маҳорат дарслари уюштирилди.

Фестиваль давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Пойтaхтимизнинг сўлими гўшаларидан бири бўлган ушбу бoғда тaшкил этилган фестивалда ўқувчиларимиз фаол иштирок этишмоқда, — дейди Юнусобод дизайн касб-хунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Наргиза Турсунхўжаева. — Кўтаринки руҳда ўтаётган фестивалда йиғилганлар олам-олам таассуротга эга бўлишмоқда. Коллежимизнинг энг иқтидорли ўқувчилари ҳам анжуманда қатнашиб, Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган мавзуларда ўз ижодий ишларини намойиш этишмоқда. Ўқувчиларимиз боққа ташриф буюрган меҳмонларга маҳорат дарсларини намойиш этиб, юртимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлар туфайли қўллар ютуқларга эришиш мумкинлигини кўрсатишмоқда. Ўқувчиларимиз боққа ташриф буюрган меҳмонларга маҳорат дарсларини намойиш этиб, юртимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлар туфайли қўллар ютуқларга эришиш мумкинлигини кўрсатишмоқда. Ўқувчиларимиз боққа ташриф буюрган меҳмонларга маҳорат дарсларини намойиш этиб, юртимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлар туфайли қўллар ютуқларга эришиш мумкинлигини кўрсатишмоқда.

— Жаннатмакон юртимизда биз ёшлар учун яратилган имкониятларни келажакка ишончли йўл, деб ҳисоблайман. Бу фестивалда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб, чизган расмларимиз билан қатнашмоқдан, — дейди Беньков номидаги Республика расмчилик коллежи ўқувчиси Азиза Пўлатова. — Мустақиллигимиздан сўнг қад ростлаган бинолар, юртимиздаги ўзгаришлар ва ёшларга яратилган имкониятларни расмларимизда акс эттирмоқдан. Яратётган асарларимни юртимизнинг шодийна тўйига совға сифатида тақдим этиб, энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Ташкил этилган тadbирлар ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этган болажонларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқи ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Зиёда РАСУЛОВА**  
**Қозим Ўлмасов олган суратлар**

**Шаҳримиздаги «Чинобод» санаторийида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида «Маҳалла – миллий қадриятлар ва аъёнлар бешиги» мавзусида анжуман ўтказилди. Тadbирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.**

## МАҲАЛЛА – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Тadbирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ж.Бобоев ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши девони раҳбари Д.Сафаров тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тadbирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида белгиланган вазифалар, бу борада биринчи навбатда қандай масалаларга эътибор қаратилиши ҳақида тўхталиб ўтишди. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, тўқин-социаллик ҳукмрон. Халқимиз яхши кунларини нишонламоқда, тўю тантаналар қилмоқда. Шу ўринда баъзи шухрат-параст, сохта обрў ортидан қувадиган кимсалар томонидан бу маросимларда ортиқча дабдабабозликка, ким ўзарликка, нобудгарчиликка йўл қўйилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Боз устига янги-янги маросимлар ўйлаб чиқарилмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажат, дабдабозликка йўл қўймаслик долзарб вазифага айланди. Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармониغا асосланиб, асрий аъёнларимиз, фойдаларимизни ўз ҳолича сақлаш ва келгуси авлодларга бусбутун етказиш, аъёнларга айлиниб бораётган номанзур ҳолатларнинг олдини олиш, тўй-маросимлар билан боғлиқ турли урфларни соддалаштириш, дабдабозлик, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш борасида кенг жамоатчиликнинг яқдил саъй-ҳаракатларини амалга ошириш мақсадаги мувофиқлар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг юқоридаги қарори бу борадаги ишларнинг мантйқий давоми бўлиб, уларни янада изчил давом эттиришни кўзда тутди. Тadbирда шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаоллари, ёшлар вакиллари юқоридаги ишларда барчага намуна бўлишлари зарурлиги таъкидланди.

— Маҳалламизда тўй-ҳашам, маърака каби турли маросимларни ихчам ва ортиқча сарф-харажатларсиз, исрофгарчиликсиз ўтказишга катта аҳамият қаратмоқдамиз, — дейди Олмасор туманидаги Исмоил Шоший маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Матлуба Ризаева. — Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан оилаларда бўлиб суҳбат ва учрашувлар ўтказилмоқда, одамлар орасида тушунтириш ишлари олиб бoрилмақда.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар ва билдирилган тақлифлар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Жавоҳир ТОШХУЖАЕВ**

Тиббий кўриклар «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Юнусобод тумани тиббий ижтимоий марказида, Юқори Чирчиқ туманидаги «Ариранг» қариялар уйида ҳамда 10-11 июль кунлари Навоий шаҳри Аэропорт биносида бўлиб ўтади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бемор ва ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2011 йилда жамғарма мазкур йўналишда Германиянинг «Фриеденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг Бундан Ча университети госпитали, Сеул Миллий университети, Ин Ха университети госпиталларида турма юрак нўқсонли, терининг куйиш асоратлари, турма кўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан оғирган ўзбекистонлик бемор болаларни бепул соғломлаштириш ишларини олиб бoрди.

Самарали ҳамкорлик натижаси ўлароқ, жамғарма ва Кореянинг халқаро соғлиқни сақлаш Доктор Ли Жунг-Вук номидаги хотира жамғармаси ўртасида имзоланган битим доирасида Тиббий-ижтимоий марказда замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган янги бино қурилишига туширилди.

**Ёз фасли ўзининг ноз-неъматлари, серҳосил боғлари, дала ва полизларнинг табиат инъомларига бойлиги ҳамда қишга озуқа гамлашдек мароқли серташвиш лаҳзалари билан ўзига хос мазмунга эга. Ёзда барча жонзотлар қишнинг аёзли, қировли кунларини қайғуриб меҳнат қилади. Ҳатто чумолилар ҳам узоқ-яқиндан уясига ўздан катта дон-ушоқларни ташиб келтириш билан овора бўлади.**

## ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕНГ

Ҳақиқатан ҳам меҳнатдан қочмаган, режали, мулоҳазали оила даргаларининг доимо хонадонни файзли, дастурхони баракали бўлади. Азиз онахонларимизнинг «Эпли келин – сепли келин» деган ҳикматли гапида ҳам бир дунё маъно бор. Бу нахлнинг талқини шуки, эпли, қўлидан иш келадиган, йўқдан бор қиладиган меҳнаткаш келин ҳар қандай ҳашаматли дабдабали сеп билан келган «тили бурро, қўли қисқа» келиндан афзалроқдир.

Эпли келиннинг оилада, маҳалла-қўйда ҳамда қариндош-қайнлар орасида ҳам обрў-эътибори юқори бўлади. Сермулоҳазали, тadbиркор оила бекаси турмуш ўртоғининг топганини оширади, ҳамгарида, катта мақсадларни кўзлайди. Ҳуқусиз, танбал келин эса оила даромадини режасиз сарфлаб, «отини орик», инқирозини яқин қилиб қўяди. Ён-атрофимизга синчиклаб разм солса, бунга мисол бўладиган турли воқеаларга гувоҳ бўламиз.

Масалан, ҳозир бозорларда ҳар қачонгидан ҳам пишқиқчилик, арзончилик палласи. Олма-ўрикларнинг энг сарасини килоси 1000-1500 сўмдан, помидор ва бодрингни эса 500-600 сўмдан сотиб олиш мумкин. Бундай имкониятдан самарали фойдаланган эпли-қувли аёллар фурсатни ғанимат билиб мева-сабзавотлардан консерва тайёрлаш билан машғул. Айримлар эса Қриловнинг «Нина»-сига ўхшаб ёзининг сердаромад ва ғанимат дақиқаларининг қадрига етмайди, тўй-ҳашам ва томошани қанда қилмайди. Бундайлар эртанги кун ғамини емай, фақат бугуннинг завқи билан яшади. Бироқ ёзда 1000 сўмга ёпса бўладиган бир литр тузламани қишда дўкундан 5000-6000 сўмга харид қилишда ёки коса кўтариб қўшиникига чиқишда! Бу ўзбек аёллари учун хос ҳислат эмас.

— Бизнинг момоларимиз қадимдан ўзининг ишчанлиги, чеvarлиги, рўзгор тутиши, оиласига садоқати билан барчага намуна бўлишган, — дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Жангтоҳ» маҳалласида истиқомат қилувчи олий тоифали педагог Фотима Қаландарова. — Ҳар бир оилада қизларга турмушда зарур бўладиган юмушлар, пазандалик, саришталик, ҳар ишда моҳирликдан сабоқ бериш керак. Токи улар келгусида ҳеч қийнашмасин. Корея халқида бир мақол бор: «Қўлидан иш келмайдиган хотин бўяниб безанишга уста бўлади». Бу жуда тўғри гап. Қизларимиз ва келинларимиз ўзига оро

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Корея Республикасининг Ин Ха университети малакали шифокорлари томонидан бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.**

Шунингдек, Республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш мақсадида Корея халқаро соғлиқни сақлаш – Доктор Ли Жунг-Вук хотира жамғармаси томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган «Hyundai» русумидаги мобил клиника тақдим этилди. Бугунги кунда ушбу мобил клиника Тошкент вилоятининг чекка туманларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ишларида яқиндан ёрдам бермоқда.

Бундан ташқари, Корея Республикаси билан бир қатор соғломлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида, Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 июнда тасдиқланган ташриф Дастури асосида жорий йилнинг 6-13 июль кунлари Корея Республикасининг Ин Ха университети госпитали малакали шифокорлари, анестезиолог, кардиолог, педиатр, ортопед, офтальмолог, эхокардиограф, фармацевт ва бошқа мутахассислардан иборат жами 17 нафардан иборат делегация томонидан Республикаимиздаги бемор болалар умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Ташриф доирасида Ин Ха университети, Тошкент Тиббиёт Академияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўртасида врачлар малакасини ошириш тўғрисидаги ўзаро битим имзоланади.

Беришга эмас рўзгор тутишга, ҳар бир уй бекаси учун керак бўлган ишларни баҳаришга уста бўлишин. Мен ҳам қизларим, келинларим ва невараларимдан фойдали маслаҳатимни аямайман. Худога шукр, фарзандларимнинг ҳаммаси ақли, меҳнатсевар. Ёзининг пишқиқчилик, арзончилик давларидан унумли фойдаланиб ертўлаимизни компот, мурabbo, тузлама ва салатларга тўлдириб ташлашди. Худо хоҳласа, қишда меҳнатларининг роҳатини кўришди, азиз меҳмон келганида дўконга югуришмайди. Қолаверса, фаровон оилада тўқлик, хотиржамлик ҳукмрон бўлади.

Онахоннинг сермаъно фикрлари биз ҳам қўлилашим. Шу билан бирга қишга консервалар тайёрлаш жараёнида оила бекаларига керак бўладиган айрим тавсияларни келтириб ўтишни лозим топдик.

● Компот ва шарбат тайёрлаш учун янги узилган меваларни танлаб олиш лозим. Айниган, эзилган ёки бозорда 1-2 кун туриб қолган мевалардан қайнатилган компот ва шарбатлар ишончли бўлмайди, меҳнатингиз зое кетади.

● Ўриқдан мурabbo қайнатганда унинг данагидан мағзини ажратиб мурabboга қўшсангиз ўзига хос хушхўр таъм беради.

● Банкаларни буғлатганда шошилманг. Ботулизм микроблари идишларни 10 дақиқа буғлатгандан кейин ўлади.

● Бодрингни тузлаганда уни 6-8 соат совуқ сувга солиб қўйишни унутманг.

● Тузланган бодрингни стерилизация қилиб бўлмайди. Бунда у пишиб эзилиб кетиши мумкин. Яхшиси, банкадаги бодрингни 2 марта қайнаган сувда 10 дақиқадан ушлаб, сўнгра сувини ташлаб, қайнаган шўр сув қуйиб беркитган маъкул.

● Агар тузлама ва мурabboлар тайёрлашга ўқувингиз бўлмаса, ҳеч сикилманг. «Ҳечдан кўра кеч» дейишган. Бундай фойдали машғулоти ўрганиб олишга ҳеч қачон кеч бўлмайди. Бунинг учун сиз китоб дўконларини тўлдириб турган пазандалик ва консервалар санъатида доир китоблардан ўзингизга керакли маълумотларни олишингиз мумкин.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

## Кўргазма

### «ВОҲА ВА МОВИЙ РАНГ»

**Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз ва санъатимизни тобора раванг топтириш йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик хорижлик ижодкорларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.**

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Жанубий корейлик мусаввира Юн Кенг А ижодий ишларининг «Воҳа ва мовий ранг» мавзусидаги бадий кўргазмиси ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов истиқлол йилларида барча жабҳаларда бўлгани каби маданий-маърифий соҳалардаги халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бу жиҳатлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро яқин ва дўстона алоқаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, Кореяда Ўзбекистон маданияти кунлари, турли концертлар, бадий ва фото кўргазмалар, тақдими маросимлари мунтазам ўтказилмоқда. Жанубий корейлик расмолар ва дизайнерлар Тошкентда ўтаётган халқаро кўргазмалар, фотобиеналелар, санъат ҳафталикларида фаол иштирок этмоқда.

Жанубий корейлик мусаввира Юн Кенг А 1971 йилда Мокпо шаҳрида туғилган. Олий таълим даргоҳини қимматбахо металлур дизайн йўналишида тамомлаган. Ижодий ишлари АҚШ, Венгрия каби давлатлардаги кўргазмаларда намойиш этилган. 2010-2011 ўқув йилларида Камолитдин Беход номидаги Миллий расмолари ва дизайн институтида металл бадий ишлов бериш фанидан юртимиз талабаларига сабоқ берган.

Корейлик ижодкор аёл томонидан ишланган заргарлик буюмларида мовий, феруза, зумрад рангларнинг устуворлиги муҳим ўрин тутди.

— Ўзбекистонда мовий ранг тинчлик, осойишталик, фаровонлик рамзи сифатида эъзозланади, — дейди Юн Кенг А. — Бу ердаги кўм-кўк осмон, яшил боғ ва хиёбонлар, файзли ва озода кўчалар, осуда ҳаёт, бахтиёр одамларнинг ҳечриси, санъат ривожини йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ҳар қандай ижодкор учун чексиз илҳом манбаидир. Шу боис Ўзбекистон мен учун ҳам жуда қадри дийр бўлиб қолган.

Кўргазмада мусаввира томонидан ишланган тасвирий санъат асарлари, заргарлик буюмлари намойиш этилмоқда.

**Назoкат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи ўзида мавжуд бўлган 1973 йилда қурилган таъмирталаб ошхонани ижарага беришини маълум қилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида 6 ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин:

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

1. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

2. Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома.

3. Махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Лутфий кўчаси, 47-уй, 2-Тошкент юридик коллежи биноси. Тел: 273-85-92, 273-88-94.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бардонкўл» қ.ф.й., «Баҳор» маҳалласида жойлашган Мелиязева Махфуза Гайбуллажоновнага тегишли бўлган нотурар жой кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Бардонкўл» қ.ф.й., «Баҳор» маҳалласида жойлашган Мелиязева Махфуза Гайбуллажоновнага тегишли бўлган, 2010 йил 29 март куни берилган уй-жой кадастр ҳужжатлари ва ТА №0937886 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент солиқ коллежи томонидан 2010 йил 9 июнда Усмонов Дилшод Исматилла ўғли номига берилган 020 рўйхат рақамли К№1873521 сонли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юқори Чирчиқ тумани 12-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Хасанова Зулхумор Мирзахметова номига берилган OPHS №445954 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Кувейт мезбонлик қилган футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида илк бор ярим финалга қадар етиб борган Тошкентнинг «Ардус» клуби галабали юришини давом эттириб, ўз тарихида илк бор финалга ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди ва Осиёнинг вице-чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.**

**Футзал**

**«АРДУС» — ОСИЁДА ЭНГ КУЧЛИЛАР САФИДА**

Мусобақа ярим финалида Қатарнинг «Ал-Райян» клубини имтихон қилган Александр Петров шогирдлари 3:1 ҳисобида муваффақият қозонишди. ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг ҳам кузатиб борган ўйинни ҳар икки томон футболчилари фаол бошлашди. Натияжада «Ардус» ҳужумкор футболни намойиш этган бўлса, қатарликлар қарши ҳужумда ўз омадларини синаб кўришди.

Ўйинда ҳисоб «Ардус» футболчилари томонидан очилди. 9-дақиқага келиб қатарлик футболчилар «Ардус»нинг испаниялик легионери — Жонатан Эрнандезга аниқ зарба бериш имкониятини яратишди. Испаниялик футболчиларнинг кучли йўлига ҳимоячи тўғаноқ бўла олгани, бироқ тўп Артур Юнусовнинг оёғига келиб тушди. Ўз навбатида мамлакатнинг энг яхши тўпураки кулай имкониятни кўкка соғурмади — 1:0. Биринчи бўлимда устунлик тўлиқ тошкентлик футболчилар томонида бўлди. Иккинчи бўлимда ҳамюртларимизга осон бўлмади. Ўйинни бошлаб берувчи ҳакам ҳуштаги чалинганга икки дақиқа ҳам ўтмай «Ал-Райян» ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Голдан руҳланган қатарликлар кетма-кет ҳужумлар уюштиришди. Ярим финалнинг 31-дақиқаси «Ардус» футболчиларига омад олиб келди. Шухрат Тожибоевнинг бурчакдан аниқ тўп узатишини Дилшод Ирсалиев рақиб дарвозасига йўлаб, турнирдаги голлари сонини 7 тага етказиб олди — 2:1. «Ардус» олдинга ўтиб олганидан кейин Қатар клуби 36-дақиқадан бошлаб дарвозабон ўрнига бешинчи футболчини майдонга туширди. Бу эса «Ал-Райян»га самара бергани йўқ. Аксинча, 39-дақиқага келиб Ўзбекистон чемпиони Қатар клуби дарвозасига учинчи бор йўл топишга эришди. Шухрат Тожибоев ўз голи билан учрашув голиби ким бўлиши борасидаги тахминларни кун тартибидан олиб ташлади. Қийин ва муносиб галаба!

Эроннинг «Санае Гити Пасанд» клуби ҳал қилувчи ўйинда «Ардус»га рақиблик қилди. Форс футболчилари одатдаги каби финалга қадар катта устунлик билан етиб келиб, уларга қаршилик қилиш нақадар қийин эканини исботлай олишди. Аввалига гуруҳ босқичини жуда осон яқунлаган эронликлар, ярим финалда амалдаги Осиё чемпиони

— Япониянинг «Нагоя Оушенс» клубини 6:3 ҳисобида таслим қилишди. Гарчи ўйин олдиндан Эрон чемпиони яққол фаворит сифатида эътироф этилаётган бўлса-да, тошкентликлар ҳам бекорга финалгача етиб келмаганликларини исботлашди. Ҳар қандай вазиятда ҳам беллашувнинг қизиқарли ўтишини тахмин қилиш қийин эмасди. Бойси унда қитъанинг энг кучли икки футбол клуби ўзаро кураш олиб борарди.

Эронлик футболчиларнинг ҳужумлари билан бошланган ўйинда ҳисоб 2-дақиқадаёқ очилди. Афшин Козимийнинг аниқ ва кучли зарбасидан сўнг тўп Рустам Умаров дарвозасидан ўрин олди. «Ардус» футболчилари биринчи бўлимининг ўзида майдондаги ташаббусни ўз томонларига оғдирди, бироқ бу устунликини ҳисобда акс эттиришнинг имкони бўлмади. Иккинчи бўлим, аксинча, айнан «Ардус» вакиллари учун омадли бошланди — 22-дақиқада Артур Юнусов ҳисобни тенглаштирди. Бироқ, орадан икки дақиқа ўтар ўтмас, эронликлар яна ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Бахтга қарши, Рудимар Венансионинг голи ўйиндаги сўнггиси бўлиб қолди. Ўзбекистонлик футболчилар ҳарчанд уринишмасин, «Санае Гити Пасанд» дарвозасини бошқа иш-гол қила олишмади. Шу тариқа «ардусчилар» мусобақанинг кумуш медаллари билан тақдирланишди. «Албатта, финал ўйинида имкониятни бой бериш бир оза алам қилади, бироқ мусобақа давомида биз ўзимиз учун кўп янги нарсаларни ўргандик. Турнир бошлангунча қадар биз галабага ишонгандик ва умид қилгандик, — деди «Ардус» мураббийси. — Бир йил аввал ҳам ёмон ўйин намойиш қилмаганмиз. Бироқ унда омад биз томонда бўлмаган ва турнирни эрта тарк этганмиз. Бу сафар янада кучлироқ футбол кўрсатдик ва финал эшиклари биз учун очилди. Мен ушбу жамоа билан ишлашда давом этаман ва албатта келаси мавсумда Осиё чемпионатида янги бир қадам ташлашимизга умид қиламан. Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, мусобақанинг совринли уч ўрнига эгаллик қилган жамоалар кейинги йилги клублар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этмай тўғридан-тўғри гуруҳ босқичига йўл олишди.

**Раббонакул МУХТОРОВ**



Аққар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

**ОИЛАВИЙ МУСОБАҚАЛАР СТАРТ ОЛДИ**

**Мамлакатимизда аҳоли ўртасида турли хил спорт мусобақаларининг ўтказилиши тобора оммалашиб, каттау кичикнинг бирдек қизиқишига сабаб бўлмоқда. Айниқса ёшлар, хусусан оилалар ўртасида уюштирилаётган мусобақалар халқимиз саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.**

Яккасарой туманида жойлашган «Қушбеги» ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги «Юзробод» спорт мажмуаларида «Отам, онам ва мен — спортчи оила» шиори остида ташкил этилган мусобақалар ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди. Гап шундаки, «Махалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари, «Тошкент телерадиоканали» давлат унитар корхонаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харақати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ушбу қарор ижроси юзасидан мусобақалар барча туманларда бўлиб ўтди. Яъни мусобақа дастурига кўра, маҳаллалардаги спортга кизи-

қувчан оилалар «Ким чаққон ва мерган», «Моҳир ҳужумчи», «Арқон тортиш», «Ким эпчил ўйини», «Ким чаққон эстафетаси», шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашилади.

«Қушбеги» спорт мажмуасида ўтказилган беллашувнинг маҳаллалараро босқичида «Қушбеги» маҳалласида истикомат қилувчи Ибрагимовлар оиласи биринчилиكنи қўлга киритиб, мусобақанинг туман босқичига йўланма олди. Кейинги ўринларни Ю.Ражабий ҳамда «Яккасарой» маҳаллаларида яшовчи Маҳмудовлар ва Аҳмедовлар оилалари қўлга киритишди. Мана шундай миллий ўйин турларининг янада кенгроқ тарғиб этилиши оилаларда соғлом турмуш тарзининг қарор топишига, оила аъзолари бўш вақтларининг самарали ўтишига хизмат қилиб, уларнинг бардамлигини таъминлайди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

Ушбу анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган иқтидорли боксчилар ўн вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада 91 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Ойбек Шариповнинг жанг услуби мухлис мутахассисларга манзур бўлди. Кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга ҳамюртмиз саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтиб, ярим финалда россиялик Мансур Сардаловни 15:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи беллашувда эса украиналик Илья Пеловинни 15:5 ҳисобида енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир вакилимиз — 64 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Анвар Ту-

**Украинада бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.**

**Бокс**

**ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ**

ропов ярим финалда қозонган Адилет Алибек устидан 14:10 ҳисобида зафар қучди. Финал учрашувда мезбонлар вакили Хазар Алиевдан 12:6 ҳисобида устун келган Анвар терма жамоамиз ҳисобида иккинчи олтин медални қўшди.

Турнирда муваффақиятли қатнашган боксчи-

ларимиздан Улуғбек Мубинов ва Элнур Абдурахимов кумуш медални қўлга киритди. Иқтидорли ёшлар — Муроджон Аҳмадалиев, Нурсултон Нишонбоев, Дадажон Турсунқолов ва Алиёр Норалиев бронза медал билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси**

ги спорт майдончалари ҳамда кутубхона барча талаблар доирасида жиҳозланди. Бу ерда ёзги таътил давомида болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган махсус дастур асосида иш олиб борилмоқда.

— Ёзги дам олиш масканларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 14 ХЕХК инспектори, капитан Нодир Рихсибоев. — Улардаги биналар ёнгин учирлиш мосламалари билан таъминланиб, мавжуд ёнгинни сезувчи ва хабар берувчи мосламалар янгилари билан алмаштирилди. Бундан ташқари, оромгоҳларда ёнгин хавфсизлиги бўлими томонидан ажратилган махсус ходимлар туну кун навбатчилик қилиш билан бир вақтда ўқувчилар ўртасида ёнгин хавфсизлиги ва йўл ҳарақати қоидалари бўйича суҳбат ҳамда виқториналар уюштиришга яқиндан ёрдам беришмоқда. Ўқувчиларда ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаёти, саломатлиги учун муҳим бўлган огоҳлик, эътиборлилик жиҳатларини тарбиялаш жуда муҳим. Уларга турмушда ҳар доим зарур бўладиган эҳтиёт чоралари ҳақида батафсил маълумотлар бериш, бу мақсадга йўналтирилган кизиқарли ва кўнгилочар тадбирларнинг мунтазам ўтказиби борилиши фаолиятда самарали натижаларни бераётди.

**«Туркистон-пресс»**

**ЎЗ — ЎТМОҚДА СОЗ**

**Табиат қўйнида мусавфо ҳавода сайр қилиш, сўлим гўшаларда мароқли ҳордиқ чиқаришининг гашти бўлакча. Мутахассислар фикрига кўра, бундай баҳаво жойлар болажонларнинг саломатлиги ҳамда ақлий ривожланиши, фикрлаш доирасининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.**

Бугунги кунда ўлкаимиздаги гўзал тоғ ёнбағирларидаги хушманзара жойлар, фусункор табиат кучоғида жойлашган оромгоҳлар, уларда хизмат қилаётган меҳрибон, малакали тарбиячи, ошпаз ва мураббий ходимлар фарзандларимизнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун хизмат қилмоқда. Оромгоҳларда ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар рисоладагидек амалга ошириляпти.

ИИБ ЁХББ матбуот хизмати маълумотларига кўра, бу йилги мавсумда республикамиз бўйича жами 888 та оромгоҳ ташкил этилган бўлиб, улардан 218 таси стационар типдаги доимий лагерлар, 670 таси эса мактаблар қошида фаолият кўрсатаётган оромгоҳлардир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар бош бошқармаси ЁХБ томонидан кичкинтойларнинг ёзги

таътилни мароқли ва беҳавотир ўтказишларини таъминлаш мақсадида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Оромгоҳларда айни пайтгача ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 3027 марта мавзуга доир суҳбатлар, 133 та заковат кўрик-танловлари, 314 та амалий-тактик машғулотлар ўтказилди. Бундан ташқари, оромгоҳлардаги 29000 нафардан ортиқ хизматчи-ходимлар ўртасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда 712 та оромгоҳда ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Хусусан, Тошкент вилоятининг тоғли сўлим гўшаларидан бири «Кўёшли» болалар дам олиш маскани мавсум олдиндан ўқувчиларни қабул қилиш учун тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилди. Оромгоҳда-



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

Одамлар ўзини билмаса ҳам ўзгани билади.

\*\*\*  
Майда ишнинг баракаси бўлмайди.

\*\*\*  
Бир қолган иш қолиб кетади.

\*\*\*  
Уйқу қочганда асабийлашманг, уйқунгиз баттар қочади.

\*\*\*  
Ўзига бино қўйгандан кўрк.

\*\*\*  
Зўрлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

\*\*\*  
Ким меҳнатига ишонади, ким омадига.

\*\*\*  
Аёлни фақат аёл тушунади.

\*\*\*  
Бировга ишониб, очдан ўлма.

\*\*\*  
Дилдаги тилга чиқади.

\*\*\*  
Яхшиликнинг муайян чегараси бор, лекин ёмонлик чегара билмайди.

\*\*\*  
Беихтиёр ҳам хаёлингдагини айтиб юборасан.

\*\*\*  
Нафс инсонни телба қилади.

\*\*\*  
Бировни бахтсиз қилган ўзи ҳам бахтли бўлмайди.

\*\*\*  
Одам зоти унутувчан бўлади.

\*\*\*  
Ким нимага интилса, ўшанга эришади.

\*\*\*  
Ҳамма ҳам ўз манфаатини олдинга суради.

\*\*\*  
Болалар ҳамма нарсани ота-онадан кутади.

\*\*\*  
Ҳамма ҳам бошқалардан фойдаланиб қолишни истайди.

\*\*\*  
Замон яхшини ҳам ёмон қилади.

\*\*\*  
Чин ошиқ-маъшук бир-бирини бир қарашда тушунади.

\*\*\*  
Чин севгига жангу жанжал ёт.

\*\*\*  
Ҳар қанча севма, жавоб талаб қилишга ҳақли эмассан.

\*\*\*  
Чин севги ҳамisha фидойилиқдир.

\*\*\*  
Худбин ўзидан ўзгани севолмайди.

\*\*\*  
Эрта турсанг, ризкинг унади.

\*\*\*  
Севгиси кучлининг сезгиси кучли.

\*\*\*  
Одамзод ўз айбини ҳам тақдирга тўнкаб юборади.

(Давоми бор)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
Тошкент шаҳрида 11 июль кунини ҳаво бир оз ўзағиб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. бир оз йилгишига имконият ШАРҚАН ГАРБА ТОМОН СЕКУНДИГА 5-10 метр тезликда, баъзан секундида 12-15 метр тезликда кучайган ҳолда шамол ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йилгишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағкидорни паст бўлади.